

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил февраль ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг очиқ сайёр очиқ суд мажлиси, Кармана туман Маданият маркази биносида бўлиб, раислик қилувчи: судья Б.Имомов, судья ёрдамчиси У.Рўзиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Кармана туман прокурори катта ёрдамчиси Ж.Шарипов, жабрланувчилар М.Жўрақулова, Ш.Маматназарова, фуқаровий даъвогарлар С.Тўраева, В.Турсинбаев ҳамда судланувчи Б.Насриддиновнинг иштирокида, Насриддинов Бекзод Мехриддин ўғлига нисбатан № 1-2103-2601/38-сонли ишни кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

2000 йил 24 августда Бухоро вилояти, Қорақўл туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, Фаровон” маҳалласи Баракат кўчаси, 57-уйда яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2026 йил 4 февраль куни олган **Насриддинов Бекзод Мехриддин ўғли** (Nasriddinov Bekzod Mehriddin o'g'li)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов давомида тўпланган ҳужжатларга кўра, Б.Насриддинов 2025 йил 3 декабрь куни соат 13:50да бошқарувидаги, “Ласетти” русумли, 80 Т 282 НА давлат рақамли автомашинасини, Кармана тумани “Катта Мачит” маҳалласи ҳудудидан ўтган, М-37 автомобил йўлининг 162-км.да “Бухоро-Самарқанд” йўналиши бўйича бошқариб келиб, автомашинани бошқариб бораётган вақтида, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2022 йил 12 апрель куни тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги №172-сонли Қарорининг 73-бандида “Ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганда, тўкнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралик масофани, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралик масофани сақлаши керак.”лиги, 77.3-бандида “Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш



пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги кўрсатиб ўтилган бўлишига қарамасдан, ушбу қоидаларга амал қилмасдан, қоидаларни бузиб, оралиқ масофани сақламаган ҳолда ҳаракатланиши оқибатида, ҳаракат йўналишига нисбатан олдинда ҳаракатланиб бораётган фуқаро Тўраев Сайдулло Жамаматовичнинг бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли 85 J 909 НА давлат рақамли автомашинанинг орқа чап томонига бориб урилганидан сўнг, ушбу автомашина ҳаракат йўналиши бўйича ўнг томонда жойлашган ички кўчадан М-37 автомобиль йўлига чиқиш учун тўхтаб турган фуқаро Турсинбаев Воҳиджон Уринбаевичнинг бошқарувидаги “Ласетти” русумли 85 Y 023 МА давлат рақамли автомашинанинг олд чап томонига, олд ўнг томони билан урилиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

Натижада, “Ласетти” русумли, 80 Т 282 НА давлат рақамли автомашинада йўловчи сифатида бораётган Жўрақулова Мафтуна Нурмуҳаммад қизи Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Навоий филиали Кармана тумани Суд тиббий экспертиза бўлинмасининг 15.12.2025 йилдаги №1238-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, оғир тан жароҳати, шунингдек ушбу автомашинада йўловчи сифатида бораётган Маматназарова Шахина Фарҳодовна Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Навоий филиали Кармана тумани Суд тиббий экспертиза бўлинмасининг 22.12.2025 йилдаги №1239-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати олиб, Кармана тумани Тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилишган.

Судланувчи Б.Насриддинов судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқдан рўйхатдан ўтиб, ушбу автомашина билан “Қорақўл-Тошкент” йўналиши бўйича киракашлик қилиб келганлигини, 2025 йил 3 декабрь куни соат 10:00ларда у Тошкент шаҳрига бориш учун Қорақўл туманидан машинада йўлга чиққанлигини, машинасида ҳамқишлоқлари М.Жўрақулова ва Ш.Маматназаровалар бўлганлигини, соат 13:10ларда Кармана тумани ҳудудига кириб келганлигини, йўлдан ҳаракатланиб бораётган вақтида, ундан тахминан 6-7 метрлар олдинда оқ рангли “Жентра” русумли машина ҳам бораётганлигини, иккаласи ҳам йўлнинг иккинчи бўлагидан кетаётганлигини, шу орада олдиндаги машина ўнгга бурилиш чироғини ёққанлигини, у эса уни қувиб ўтиш учун орқани кўрсатувчи ойнага қараганлигини ва машинани чапга олаётган вақтида, олдиндаги машина бурилмоқчи бўлган жойдан яна бир қора рангли “Жентра” русумли машина чиқиб қолганлигини ва олдиндаги машина бирдан тўхтаганлигини, шу вақтда у оралиқ масофа яқин қолганлиги сабабли, машинани олиб қочишга улгурмасдан, олдиндаги машинани орқа чап томонидан, бошқарувидаги



машинани олд ўнг томони билан бориб урганлигини, натижада машина салонида бўлган М.Жўрақулова ва Ш.Маматназаровалар тан жароҳати олганлигини, С.Тўраевнинг бошқарувидаги “Ласетти” русумли 85 J 909 НА давлат рақамли автомашинаси ва В.Турсинбаевнинг бошқарувидаги “Ласетти” русумли 85 Y 023 МА давлат рақамли автомашинага шикаст етганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, жабрланувчи М.Жўрақулова ва Ш.Маматназарова, фуқаровий даъвогар С.Тўраев ва В.Турсинбаевларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, ўзаро ярашиб олишганлигини, суддан жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи М.Жўрақулова судда, 2025 йил 30 ноябрь куни у Қорақўл туманига тўйга келганлигини ва тўйни ўтказиб бир неча кун давомида уйда меҳмон бўлганлигини, 2025 йил 3 декабрь куни у Тошкент шаҳрига кетиш мақсадида Бегзод исмли киракаш бола билан гаплашиб, унга уни Тошкентга олиб кетишини айтиб, соат 09:00ларда йўлга чиққанлигини, мен билан бирга ҳамқишлоғи Маматназарова Шаҳина ҳам борлигини, улар соат 13:40ларда улар Кармана туманида ҳаракатланиб бораётган вақтида, ҳаракат йўналишига нисбатан олдинда, йўл четида жойлашган кириш жойидан оқ рангли “Ласетти” русумли машина орқага ҳаракатланган ҳолда, уларни ҳаракат йўналишига қараб чиқиб кела бошлаганлигини, шу вақтда у билан оралиқ масофаси 10-12 метрлар атрофида бўлганлигини, улар ушбу автомашинага яқинлашиши билан у ўтирган машина ҳайдовчиси машинасини олд ўнг томони билан олдиндаги машинани орқа чап томонига бориб урилганлигини, натижада у тан жароҳати олганлигини, улар машинадан тушганлигини ва тез ёрдам машинасида шифохонага кетганлигини, ҳозирги кунда Б.Насриддинов унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, Б.Насриддиновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва у билан ихтиёрий ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, ушбу жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ш.Маматназарова судда, 2025 йил 3 декабрь куни у Тошкент шаҳрига кетиш мақсадида Бегзод исмли киракаш бола билан гаплашиб, унга уни Тошкентга олиб кетишини айтиб, соат 09:00ларда йўлга чиққанлигини, мен билан бирга ҳамқишлоғи Жўрақулова Мафтуна ҳам борлигини, улар соат 13:40ларда улар Кармана туманида ҳаракатланиб бораётган вақтида, ҳаракат йўналишига нисбатан олдинда, йўл четида жойлашган кириш жойидан оқ рангли “Ласетти” русумли машина орқага ҳаракатланган ҳолда, уларни ҳаракат йўналишига қараб чиқиб кела бошлаганлигини, шу вақтда у билан оралиқ масофаси 10-12 метрлар атрофида бўлганлигини, улар ушбу автомашинага яқинлашиши билан у ўтирган машина ҳайдовчиси машинасини олд ўнг томони билан олдиндаги машинани орқа чап томонига бориб урилганлигини, натижада у тан жароҳати олганлигини, улар машинадан тушганлигини ва тез ёрдам машинасида шифохонага кетганлигини, ҳозирги кунда Б.Насриддинов унга



етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, Б.Насриддиновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва у билан ихтиёрий ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, ушбу жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар С.Тўраев судда, 2025 йил 03 декабрь куни соат 11:00 ларда уйдан машинасини миниб кўчага чиққанлигини, машина билан ўзининг ишларини қилиб юрганлигини ва соат 13:30ларда жияни Феруз билан бирга туман марказидаги “Адрас” номли чойхонадан тушлик қилиш учун М-37 автомобиль йўли бўйлаб ҳаракатланганлигини, у чойхонага яқинлашган вақтида, машинани ўнгга бурилувчи чироғини ёқиб, тезликни камайтира бошлаганлигини, бурилиш жойига келганида, чойхонадан қора рангли “Ласетти” русумли машина чиқаётганлигини кўриб, йўл четида тўхтаб, машинани чиқиб кетишини кута бошлаганлигини, шу вақтда уни машинасини орқасидан бир машина келиб урганлигини ва уни машинаси олдинга кетиб, ичкаридан чиқаётган машинани олд чап томонига, олд томони билан урилганлигини, шундан сўнг у машинадан тушиб, орқага қараганимда, мени машинамни орқасидан оқ рангли “Ласетти” русумли 85 Т 282 НА давлат рақамли машина келиб урилганлигини, шундан сўнг кейинчалик билишича Б.Насриддиновни машинаси ичидаги йўловчилар тан жароҳати олишганлиги сабабли, уларга тез ёрдам машинасини чақирганлигини, тез ёрдам машинасида уларни туман шифохонасига юборганлигини, кейин ИИБ ходимлари келишиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирганлигини, йўл транспорт ходисаси натижасида у ҳам машина ичидаги йўловчи ҳам бирор бир тан жароҳати олмаганлигини, бироқ автомашинасига шикаст етганлигини, ҳозирги кунда Б.Насриддинов унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, Б.Насриддиновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва у билан ихтиёрий ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, ушбу жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар В.Турсинбаев судда, 2025 йил 3 декабрь куни соат 13:30ларда у ишга бориш учун машинаси билан М-37 автомобиль йўлига чиқиш учун ҳайдаб йўлга тўғрилаган вақтида, Бухоро йўналишидан машиналар келаётганлигини, у уларни ўтиб кетишини кутиб, биров тўхтаб турганлигини, шу вақтда оқ рангли машина у чиқаётган жойга кирмоқчи бўлиб, яқинлашиб кела бошлаганлигини, шунда кутилмаганда ҳалиги машина бирдан юриб келиб, уни машинасини олд чап томонига урилганлигини, кейин у машинадан тушиб қараганида, уни машинасига келиб урилган машинани орқасидан яна бир машина келиб урилганлигини, шундан сўнг ҳалиги машина ичидаги йўловчилар тан жароҳати олишганлиги сабабли, уларни тез ёрдам машинасини чақириб, уларни шифохонага юборишганлигини, кейин ИИБ ходимлари келишиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирганлигини, йўл транспорт ходисаси натижасида у ҳам машина ичидаги йўловчи ҳам бирор бир тан жароҳати олмаганлигини, бироқ автомашинаси шикаст етказганлигини, ҳозирги



кунда Б.Насриддинов унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, Б.Насриддиновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва у билан ихтиёрий ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, ушбу жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Суд жиноят иши ҳужжатлари ва жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарларнинг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризалари билан танишиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг Б.Насриддиновга нисбатан жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги хулосасини эшитиб, судланувчини ўз айбига иқrorлигини, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарлар билан ярашганлигини ва етказилган зарарни бартараф этганлигини, ярашув ихтиёрийлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, судланувчига нисбатан бўлган жиноят ишини томонларнинг ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиб, судланувчини жиноий жавобгарликдан озод этишни ҳамда жабрланувчилар М.Жўрақулова, Ш.Маматназарова ва фуқаровий даъвогарлар С.Тўраева, В.Турсинбаевларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 6-қисми талабларини тушунтиришни;

Б.Насриддиновга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек, жиноят ишида сақланаётган Б.Насриддиновга ҳимояга бўлган ҳуқуқлари тушунтирилганлиги видео ёзувлар акс этирилган 1 дона “DVD” дискни ушбу жиноят иши билан бирга сақлашни;

Жиноят ишида сақланаётган судланувчи Б.Насриддиновга тегишли бўлган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси ва автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномани Б.Насриддиновнинг ўзига қайтаришни мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Насриддинов Бекзод Мехриддин ўғли (Nasriddinov Bekzod Mehriddin o'g'li) га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши томонларнинг ярашуви муносабати билан тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Б.Насриддиновга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчилар М.Жўрақулова, Ш.Маматназарова ва фуқаровий даъвогарлар С.Тўраева, В.Турсинбаевларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 6-қисми талаблари тушунтирилсин.



Жиноят ишида сақланаётган Б.Насриддиновга ҳимояга бўлган ҳуқуқлари тушунтирилганлиги видео ёзувлар акс этирилган 1 дона “DVD” диск ушбу жиноят иши билан бирга сақлансин.

Жиноят ишида сақланаётган судланувчи Б.Насриддиновга тегишли бўлган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси ва автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномани Б.Насриддиновнинг ўзига қайтарилсин.

Суд ажримидан норози тарафларга ушбу суд орқали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтириш мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

Б.Имомов

